



## СПОРТ ТАЪЛИМИ ВА ИЛМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш бўйича таклифлар тақдироти билан танишди.

Мамлакатимизда спортга яратилган шайхона тўғрисида аҳоли ўртада бу ҳаракат омалашмоқда. Ёшлар жисмоний тарбия билан доимий шуғулланиб, кўплари буни касб сифатида танламоқда. Профессор-на спортчиларимиз халқаро мусобақаларда улкан ютуқларга эришмоқда. Давлатимиз раҳбари ҳар доим соғлом турмуш тарзи, ёшлар бандлиги, олимпия ва паралимпия ҳаракати масалалариغا алоҳида эътибор қаратиб келади. Шу йил 23 май кунини бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ҳам спорт таълимини ривожлантириш, соҳага илмий ёндашувларни татбиқ этиш вазифасини кўйган эди.

Тақдиротда шу борада тайёрланган режа-таклифлар кўриб чиқилди. Улар учта муҳим йўналишни қамраб олган: биринчиси — Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳамда унинг Нукус ва Фарғона филиалларида таълим сифатини ошириш, иккинчиси — спорт таълими муассасаларида бошқаруви

такомиллаштириш, учинчиси — соҳада илмий тадқиқотлар тизимини яхшилаш.

Қайд этилишича, 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб таълим дастурлари етакчи хорижий университетларнинг дастурига кўра шакллантирилади. Барча бакалаврият ва магистратура йўналишлари оид малака талаблари қайта кўриб чиқилади, ўқитувчилар ва битирувчиларнинг билими, маҳорати ва педагогик кўникмаларини баҳоловчи компетенциявий сертификатлаш йўлга қўйилади.

Бугунги кунда долзарб бўлмаган 5 та бакалаврият йўналиши тугатилиб, 2 та магистратура мутахассислиги ташкил этилади. Ўқув ва машғулотлар жараёнига федерацияларнинг тажрибали мутахассислари ҳамда хорижий экспертлар жалб қилинади.

Спорт соҳасида фахрий унвон ва тоифа даражасига эга, нуфузли халқаро мусобақалар ғолиби бўлган абитуриентлар касбий имтиҳонларини топширишдан озод қилинади.

Талабаларни рағбатлантириш учун Паҳлавон Маҳмуд номидаги давлат стипендияси жорий этилади. Иқтидорли битирувчиларга спорт бўйича ҳакам ҳамда иккинчи тоифали тренер макрами берилди.

Таълим ва илм боғлиқлигини мустақамлаш учун ягона кузатув кенгаши тузиш режалаштирилган. Бу кенгаш спорт муассасаларининг бошқарув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва маънавий-маърифий фаолиятини самарали ташкил қилишга бош-қош бўлади.

Шунингдек, Жисмоний тарбия ва спорт университетининг илмий салоҳиятини 45 фойизгача чиқариш, профессор-ўқитувчиларнинг фаолияти натижадорлигини ошириш, янги ишланма ва технологияларни жорий этиб, халқаро рейтингларга кириш мақсадлари белгиланмоқда.

Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлари институтига спорт биомеханикаси, физиологияси, фармакологияси ва генетикаси бўйича

тадқиқотлар олиб бориш, илмий-инновацион фаолият натижаларини трансфер қилиш ва тижоратлаштириш, стартап лойиҳаларни амалга ошириш каби янги вазифалар юклатилмоқда.

Илмий изланишларни қўллаб-қувватлаш ва натижадорлигини ошириш, ёш кадрларни хорижий ўқув юртларига фалсафа доктори (PhD) даражасини ҳимоя қилиш учун юбориш ҳам назарда тутилган.

Маълумки, пойтахтимизнинг Яшнобод туманида Олимпия шаҳарчаси барпо этилмоқда. Осиё ўйинлари ўтганидан сўнг, бу мажмуага Спортни ривожлантириш вазирлиги, спорт федерациялари ҳамда 2025 йилда фаолият бошлайдиган Ўзбекистон давлат спорт академияси жойлаштирилиши мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари бу таклифларни маъқуллаб, қўшимча кўрсатмалар берди.

ЎЗА

## ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Самарқанддаги “Буюк ипак йўли” халқаро туристик мажмуаси Конгресс марказида “Инсон манфаатларини иқтисодий ислоҳотларнинг бош мазмунига айлантириш” мавзусидаги II Ўзбекистон иқтисодий форуми иш бошлади.

Унда халқаро ташкилотлар раҳбарлари, нуфузли етакчи иқтисодчилар, инвесторлар ва халқаро экспертлар иштирок этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев форум қатнашчиларига мурожаат йўллади. Анжуманинг очилиш маросимида ушбу мурожаатни Президент Администрацияси раҳбари ўринбосари, Президент матбуот котиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди.

Давлатимиз раҳбари ўз мурожаатида дунёда давом этаётган мураккаб пандемия ва глобал иқтисодий инқироз оқибатлари, турли нотинчликлар ва зиддиятлар фониди юзга келаётган озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигини таъминлаш, иқлим ўзгариши муаммо-

лари инсон тақдири ҳақида жиддий бош қотиришни кун тартибига долзарб масала қилиб қўётганини қайд этган. Ва мазкур форум нуфузли халқаро ташкилотлар, етакчи хорижий компаниялар ва таниқли экспертлар иштирокида бу борадаги илғор тажрибаларни муҳокама қилиш ҳамда биргаликда умумий ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш учун қўлай имконият бўлиб хизмат қилишига ишонч билдирган. Шунингдек, мурожаатда Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида белгиланган “Инсон қадри учун” деган эзгу ғоя асосида барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишлари санаб ўтилган.



Давоми 2-бетда



### ФАРОВОНЛИК САРИ



## ИССИҚХОНА ХЎЖАЛИГИДА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Аҳолини сифатли ва кафолатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, қолаверса, ташқи бозорга мунтазам етказишда иссиқхона хўжаликлари муҳим ўрин тутди. Бугун озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш, фермер ва деҳқонларимиз олдидаги муаммоларини ҳал қилиб, уларга қўмақлаштиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Бу бежиз эмас, албатта.



Давоми 4-бетда

### БУГУННИНГ ГАПИ



## САМАРҚАНД ЯНА ДУНЁ НИГОҲИДА ЁҲУД ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ФОРУМИ АҲАМИЯТИ ХУСУСИДА АЙРИМ МҲОҲАЗАЛАР

Бугун дунё нигоҳи яна Самарқандга қаратилган. Жаҳон оммавий ахборот воситалари яна мамлакатимиз ҳақида гапирмоқда. Юртимиздаги иқтисодий ислоҳотлар самарасини чуқур таҳлил қилишга ҳаракат қилияпти.

Биз бу ерда яна деган сўзга бежиз ургу бермаямиз. Зотан, жаҳоннинг йирик савдо нуқтаси, дунё иқтисодиётининг муҳим қисми сифатида тараққиёт йўлида дадил одимлаётган Ўзбекистонга бугун қизиқиш жуда юқори. Ривожланган давлатлар, нуфузли халқаро молиявий ташкилотлар биз билан алоқаларни, ҳамкорликни мустақамлашга интиломоқда. Айни шу сабабдан дунёнинг етакчи иқтисодчилари, нуфузли халқаро молиявий ташкилотлар вакиллари, инвесторлар

ҳамда хорижий экспертлар II Ўзбекистон иқтисодий форуми доирасида Буюк ипак йўлининг гавҳари, қадимий шаҳар — Самарқандга яна жам бўлди.

Дарҳақиқат, Самарқанд азалдан цивилизациялар чорраҳаси бўлиб келган ва ҳозир ҳам замонавий рух ҳамда қарашлар асосида шаҳар барчани ўзига жалб қилмоқда. Дунёнинг турли қитъаларидан йирик мутахассисларни чорлаган мазкур анжуман бунинг яна бир исботидир.

Форумнинг асосий мавзуси “Инсон манфаатларини иқтисодий ислоҳотларнинг бош мазмунига айлантириш” эканлиги ҳам ўзгача маъно касб этади. Чунки бу, Президент Шавкат Мирзиёевнинг жорий йилни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб эълон қилгани ҳамда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси билан чамбарчас боғлиқ.

Давоми 3-бетда



# ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.Қўчқоров очилиш маросимидаги маърузасида икки кун давом этадиган форум доирасида Ўзбекистоннинг келгуси беш йиллик тараққиёт стратегияси, иқтисодий имкониятлари, дунё ҳамжамияти билан ҳамкорлиги ва ривожланиш тенденцияларини муҳокама қилиш, ўзаро фикр алмашиш кўзда тутилганини таъкидлади.

— Тараққиёт стратегиясининг марказида, биринчи навбатда, инсон қадри ва манфаати туради, — деди Ж.Қўчқоров. — Унда 2026 йилгача мамлакатимизда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялли ички маҳсулот миқдорини амалдаги 2000 доллардан 2800 долларга олиб чиқиш ҳамда иқтисодий ўсишнинг инклюзивлигини таъминлаш орқали камбағаллик даражасини икки бараварга қисқартириш асосий мақсад сифатида акс эттирилган. Бу орқали биз 2030 йилга бориб, жон бошига тўғри келадиган ЯИМ миқдорини 4000 доллардан ошириш ва ўрта даромадли мамлакатларнинг юқори гуруҳига кириш учун қатъий мақсадга эришиш йўлида навбатдаги босқични муваффақиятли босиб ўтган бўламиз.

Форум очилиш маросимида, шунингдек, Жаҳон банки вице-президенти Анна Бьерде, Осиё тараққиёт банки вице-президенти Шиксин Чен, Осиё инфратузилма инвестициялари банки вице-президенти Константин Лимитовский сўзга чиқиб, Ўзбекистонда иккинчи бор ўтказилаётган мазкур иқтисодий анжуман ва унда муҳокама этиладиган масалаларнинг аҳамияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг натижалари ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликдаги лойиҳаларнинг истиқболлари юзасидан ўз фикрларини билдирди.

— Ўзбекистон бугун Марказий Осиё минтақасида тез ва барқарор ўсиб бормоқда, — деди Жаҳон банки вице-президенти Анна Бьерде. — Йиллик иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари ҳам кўшни давлатларга нисбатан юқори. Бунга, албатта, 2017 йилдан бошланган иқтисодийни либераллаштириш борасидаги кенг қўламли ишлар, молия, банк тизимидаги ўзгаришлар катта туртки

берди. Тадбиркорликнинг фаол қўллаб-қувватланиши, шу билан бирга, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилиши ислохотлар самарадорлигини таъминламоқда. Бу ишлар изчил ва босқичма-босқич давом этиши ҳамда 2026 йилга бориб Ўзбекистон ўрта даромадли мамлакатлар қаторига кириши керак.

Осиё тараққиёт банки вице-президенти Шиксин Чен Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотлар марказига инсон манфаати қўйилганини юқори баҳолаб, иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва жамиятни либераллаштириш борасидаги ҳаракатларни давом эттириш кераклигини таъкидлади. Бунда айниқса, хусусий сектор ва инсон капиталини ривожлантириш, яшил трансформацияни таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини қайд этди.

Осиё инфратузилма инвестициялари банки вице-президенти Константин Лимитовский эса Ўзбекистон “яшил” иқтисодиётга ўтиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича яхши кўрсаткичларга эга бўлиб бораётганини эътироф этиб, бу жараёнга хусусий сектор ҳам фаол жалб этилаётганини қўллаб-қувватлашини билдирди.

Форум ўндан ортиқ сессияда ўз ишини давом эттирмоқда. Бу сессияларда мамлакатимиз парламенти, банк ва молия идоралари раҳбарлари, халқаро ташкилотлар вакиллари ва экспертлар иштирок этиб, Ўзбекистондаги фаол иқтисодий ислохотлар, қулай инвестиция муҳити бўйича ўз фикрлари ва таклифларини билдирмоқда. Тадбирлар доирасида Ўзбекистон ва халқаро молия идоралари билан биргаликда амалга ошириладиган лойиҳалар, ҳамкорликнинг келгуси истиқболлари юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашилмоқда.

Ғолиб ҲАСАНОВ,  
ЎзА мухбири

## БУНЁДКОРЛИК

# ПРЕЗИДЕНТ ХАЙРИХОҲ БЎЛАЁТГАН ТАШАББУСЛАР

Ҳар йили кузда ёмғирли кунлар бошланиши билан қишлоқ аҳлининг ташвиши кўпаярди. Чунки уст-боши бир ахволда, лой кечиб мактабдан қайтаётган болаларини кўриб, кўпларнинг асаби бузиларди. Қўни-қўшни бирлашиб, кўчага бир неча бор шағал тўқди, аммо бир муддат ўтгач, яна ўша ахвол...

Маҳалла аҳлининг аксарияти деҳқончилик билан шугулланади. Бироқ улар сувсизликдан жуда қийналади. Ахир обихаётсиз деҳқончилик қилиб бўлмайди-да. 1980-йилларда қурилган бетон ариқлар яроқсиз ҳолга келиб қолган. Аҳоли бир неча бор ҳашар қилиб, таъмирлади, аммо барибир эски эскилигини қилди. Охир-оқибат сув тўхтаб қолди. Бунга чора топиш илжинжа тақиллатилмаган эшик қолмади. Лекин бирор жўяли жавоб топилмади. Орадан неча йиллар ўтиб кетди.

2021 йилнинг ёз фасли эди. Ориф муаллим маҳаллага янги гап топиб келди. Айтишича, “Очиқ бюджет” ахборот порталида “Ташаббусли бюджет” эълон қилинган бўлиб, унда ҳар бир маҳалла ўз лойиҳаси билан иштирок этиши мумкинлиги, агар керакли овозини тўплай олишса, лойиҳаси бюджет ҳисобидан амалга оширилиши мумкин экан. Аммо бу гапга ҳамма ҳам ишонмади. Кимлардир буни тушунмади, бошқалар эса бўлмаган гап, дея қўл силтади.

Ким нима деса дер, дея енг шимариб, Ориф ака ишга киришди. “Ташаббусли бюджет”га бирданига иккита лойиҳани киритди. Лойиҳаси маъқуллангач, энди керакли овозини йиғиш учун аҳолини бирдамликка чорлади. Дастлаб ўз касбдошлари, кейинчалик маҳалла ёшларидан бу борада ёрдам сўради. Интилувчан ёшлар сафи ортиб борди.

Қарши тумани Мустақиллик маҳалласи номидан 1200 метр ички йўлни асфальт қилишга 550 миллион сўм ҳамда электр симини тортиш учун 20 дона бетон устун ва бир дона трансформаторга 203 миллион сўм ажратилиши бўйича таклиф киритилганди. Аҳоли интиқлик билан кутган дамлар яқин эди. Бу вақтда Ориф муаллимнинг уйқуси қочган, ҳар дақиқанинг ўтиши қийин бўлди. Боиси, бутун маҳалла унга ишонч билдириб, ортидан эргашганди. Сентябрь ойининг 20-сана-сида лойиҳа ғолиблик эълон қилинди. Улар қаторида Қарши туманидаги Мустақиллик маҳалласининг лойиҳалари ҳам бор эди. Бу эса бутун маҳалла аҳолисини ҳурсанд қилиб юборди. Қисқа вақтда лойиҳада белгиланган барча ишлар амалга оширилди.

Жорий йилнинг февраль ойида “Ташаббусли бюджет”нинг биринчи мавсуми бошланди.

Мустақиллик маҳалласи аҳолиси тезда ўз лойиҳалари билан иштирок этишга киришди. Бу мавсумда ҳудуддаги 56-умумтаълим мактаби учун спорт зали қурилишига 950 миллион сўм, эски бетон ариқлар ўрнига 500 метр масофага қувур тортиш учун 95 миллион сўм сарфланиши кўрсатилган лойиҳа таклифи киритилди. Бу таклифлар маъқулланди.

Одамлар бир ёқадан бош чиқариб, овоз бериш учун дадил ҳаракат бошлаб юборди. Натижада бунда ғолиб топилган лойиҳа ҳам амалга ошадиган бўлди.

Маҳалла раисларининг сайлови арафасида фаол оқсоқоллар Ориф муаллимнинг дарвозасини тақиллатиб келди. Унга маҳалла раислигига ўз номзодини қўйишни таклиф қилишди.

— Ташаббускорлигим маъқул келди, шекилли, раисликка сайлашди, — дейди “Мустақиллик” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ориф Холмуродов. — Ростини айтадиган бўлсам, “Ташаббусли бюджет” одамларни бирлаштиряпти. Бир мақсад сари — ўз юрти, ўз маҳалласи ободлиги учун ҳаракат қилишга ундамоқда. Қолаверса, битталаб овоз тўплаб, эришган лойиҳанинг қадри ҳам баланд бўларкан. Ҳозирда маҳалламизда бир қанча ишлар амалга оширилди. Олдин маҳалламизга келган киши бугунги ўзгаришларни кўриб, ҳайратда қолаётгани ҳам муболага эмас. “Ташаббусли бюджет”нинг амалий натижасида кўчаларимиз ҳам, кўнгилларимиз ҳам обод бўлапти.

Бугун ҳудуддаги ҳар бир фуқаро мамнун. Йўлларнинг равон бўлгани, сув олиб келиниши, симёғочлар янгиланиши, мактаб учун спорт зали барпо этилиши — сўнгги бир йилда шу маҳаллада рўй бераётган ўзгаришлар.

Юқорида таъкидлаганамиздек, ушбу манзил одамлари уста-деҳқон. Иссиқхона ташкил этиб, помидор ва бодринг етиштиришни қўйиллатида. Аммо шу пайтгача сув муаммоси салбий таъсир кўрсатаётганди.

“Ташаббусли бюджет”нинг биринчи мавсуми натижасида бунёд этилаётган мактаб спорт зали ҳам қисқа вақтда болалар ихтиёрига топширилади. Ажабмас, келгусида тумандаги 56-мактаб ўқувчилари орасидан ҳам чемпионлар етишиб чиқса.

## НУҚТАИ НАЗАР

# ЗАМОНАВИЙ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ

## АҲОЛИНИНГ ЭҲТИЁЖМАНД ҚАТЛАМИНИ ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ТАМОЙИЛИ АСОСИДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА МУСТАҲКАМ ЗАМИН БЎЛМОҚДА

**Мавлуда ХЎЖАЕВА,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси**  
**Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси**

Аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари манфаатини ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлашда пенсия таъминоти тизими муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, дунёнинг тараққий этган давлатлари бу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади. Зеро, бу йўналишдаги ишлар нафақат инсон ҳуқуқларини таъминлаш, аввало, иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим омилidir.



Мамлакатимизда сўнгги йилларда пенсия таъминоти тизимида кечаятган изчил ислохотлар “Инсон қадри учун” эзгу ғоясини рўёбга чиқариш, кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатини ҳаётга татбиқ этишга қаратилган.

Маълумотларга кўра, юртимизда бугунги кунда пенсия ва нафақа олувчилар сони тўрт миллион икки юз мингдан кўпроқ. Сўнгги йилларда аҳолининг ушбу қатламни қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, давлат хизматлари кўрсатиш тизими ислоҳ қилиниб, тизимда йиғилиб қолган муаммолар, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этишда амалий қадамлар ташланмоқда.

Пенсия ва нафақа тўловлари кечиктирилиши ҳолатига барҳам берилди, 2017 йилдан бошлаб ойма-ой тўлов жорий этилди. Пенсия ва нафақаларни мажбуран банк пластик карталарига ўтказиш билан боғлиқ ҳолатлар ҳам тўлиқ бартараф этилиб, фуқаронинг хоҳишига кўра, нақд пул ёки нақд пулсиз шаклда берилиши таъминланмоқда.

Ишловчи пенсионерларнинг пенсиясидан ярмини чегириб қолиш амалиёти бекор қилиниб, тўлиқ миқдорда тўлаш

тизими жорий этилди. Бундан ташқари, ишловчи пенсионерларга жорий ой учун пенсия тўлаш тизими йўлга қўйилди (аввал ўтган ой учун тўланган).

Манзил колонияларда жозони ўтаётган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга пенсия тайинлаш ва тўлаш ҳуқуқи берилди.

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам, айниқса, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам қатор ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, 2019 йил 1 августдан бошлаб II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёлғиз шахслар — пенсионерларнинг пенсиясига устама миқдори пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 50 фоизидан 75 фоизига оширилди. I гуруҳ ногиронлик нафақаси, шунингдек, 18 ёшдан катта болаликдан I гуруҳ ногиронлик нафақаси олувчиларга ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 фоизи миқдоридида қўшимча тўлов жорий қилинди.

Қолаверса, болаликдан ногиронлиги бўлганларга нафақаларни 16 ёшдан 18 ёшга қадар тўлаш ҳуқуқи берилди. Бунинг натижасида 2021 йилда болаликдан ногиронлиги бўлган 12,6 мингдан

ортиқ ва 2022 йилнинг биринчи ярмида 16 мингдан зиёд болага нафақа 18 ёшга қадар тайинланган ва тўлаб берилган.

2021 йил 1 июндан ногиронлиги бор шахсларга пенсия ва нафақа тайинлашда тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари маълумотномаларини талаб қилиш бекор қилинди. Бу имтиёз ҳам ногиронлиги бор шахсларни қийнаб келаятган масаланинг ечими бўлди. Ижтимоий йўналтирилган ислохотларнинг давоми сифатида Чернобыль ҳалокати оқибатида III гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга пенсия тайинланиши, 18 ёшгача бўлган ногирон болага қараб турилган вақт стажга қўшилиши белгиланди.

Ногиронлиги бўлган шахслар, айниқса, доимий парваришга муҳтож болаларни парваришлаётган оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли даромадларини ошириши таъминлаш мақсадида зарур иш стажига эга бўлмаган меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ногиронлик нафақаси миқдори 440 минг сўмдан 622 минг сўмга етказилди. Бу билан 49,1 минг фуқаронинг ногиронлик нафақаси миқдори ошди. Иш стажини тўлиқ бўлмаган ногиронлиги пенсиясининг энг кам миқдори ҳам қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда 440 минг сўмдан 622 минг сўмга етказилди. Ушбу имтиёз асосида 112,7 минг фуқаронинг ногиронлик пенсия миқдори ўртача 138 минг сўмга ошди.

Узгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болалари бор оилаларга ҳар ойда 500 минг сўм миқдоридида янги турдаги парваришлаш нафақаси жорий этилди. Бу имкониятдан 35,1 минг оила баҳраманд бўлмоқда.

Аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиши сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятга ижтимоий мослашуви учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида 2022 йил 1 майдан “Саховат” уйларида яшовчи фуқароларга шахсий сарф-харажатлари учун ҳар ойда тегишли нафақа миқдорининг 20 фоизини тўлаш тартиби жорий қилинди. Бу янгилик ҳам инсон қадрини улуғлаш йўлида баҳарилаётган эзгу ишларнинг мантикий давоми бўлди.



Ижтимоий ҳимояга муҳтож, ҳам таъминланган ва ногиронлиги бор фуқароларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида бир марталик моддий ёрдам ҳам кўрсатиляпти. Президентимизнинг 2022 йил 25 майдаги “Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини манзилли қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, ногиронлик пенсияси ва нафақа олувчи 459,4 минг кишига ва ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача 25,6 минг боланинг парвариши учун нафақа олувчиларга давлат бюджетидан бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш ҳамда фуқароларнинг пенсия миқдори мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичларига мувофиқ изчил ошириб борилиши таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланган. Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида жорий йил 19 сентябрда “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонун қабул қилинди.

Қонунга асосан, ёшга доир, ногиронлик ҳамда боқувчисини йўқотганлик пенсияларини ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг энг кўп миқдори пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн баробаридан ўн икки баробаригача оширилади. Натижада 2023 йилдан бошлаб 352 минг фуқаронинг пенсияси 400 минг сўмгача оширилади. Бу ҳам пенсионерларнинг моддий фаровонлигини янада юксалтиришга ва ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига пенсия тайинлаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун ҳам бу борадаги амалий ишларнинг мантикий давоми бўлди. Ушбу қонуннинг асосий мақсади фуқароларнинг пенсия таъминоти соҳасидаги қонунчиликни амалиётда қўллашда юзага келаятган турли ёндашувларнинг олдини олиш ва коррупцияни юзага келтирувчи ҳолатларга барҳам бериш. Қолаверса, ижтимоий адолат тамойилидан келиб чиқиб, ногиронлиги бўлган шахсларнинг даромадини ошириш, уларнинг меҳнатини муносиб баҳолаш ва пенсия миқдорини қўпайтириш.

Жорий йилги “Ташаббусли бюджет”нинг 2-мавсумида ушбу маҳаллада электр сими тортишга 300 та бетон устун, 5 та янги трансформатор учун жами 1 миллиард 200 миллион сўм сарфланадиган лойиҳа илгари сурилганди. Овоз бериш жараёни жуда қизгин кечди. Аммо якуний ҳулосага кўра, 3173 овоз билан 9-ўриндан жой олди. Натижада Мустақиллик маҳалласининг лойиҳаси ғолиблар қаторига кирмади.

Жорий йилнинг 11 октябрь куни Президентимиз раислигида маҳаллаларни обод қилиш ва “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар ҳамда келгусидаги устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Ушбу видеоселекторда иштирок этган Ориф Холмуродов сўз олиб, “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси асосида маҳаллада олиб борилган ишлар хусусида сўзлади. Айни пайтда 2-мавсумда янги лойиҳа учун 160 миллион сўм етмай қолганини айтиб, давлатимиз раҳбаридан ёрдам сўради. Бу эса Президентимиз томонидан маъқулланиб, 160 миллион сўм эмас, шунча ташаббускорлик олиб боргани учун ушбу ҳудудга 300 миллион сўм ажратилиши таъкидланди. Бу эса маҳалла ахли томонидан қутаринчилиқ билан кутиб олинди.

— Рости, шу куни барчамизнинг қувончимиз ичимизга сиймай кетди, — дейди О. Холмуродов. — Лойиҳамиз учун астойдил ҳаракат қилиб, якуний натижаларга кўра ғолиб бўлолмай, кайфиятимиз тушиб кетганди. Лекин Президентимиз ташаббусларимиз, амалга ошираётган ишларимизни қатъий қўллаб-қувватлади, руҳлантирди. Бугун ҳудудимизда истиқомат қилаётган аҳолининг қувончи чексиз. Қолаверса, биз каби икки мингдан ортиқ овоз тўплаган барча лойиҳалар ҳам амалга ошадиган бўлди. Бу эса қўпгина манзиллар обод бўлади, одамлар юртимизда амалга оширилаётган бундай ташаббусларга ишончи ошиб, янада фаол иштирок этади, дегани.

Дарҳақиқат, бугун Қарши туманидаги Мустақиллик маҳалласи “Ташаббусли бюджет”нинг таъсирида обод масканга айланмоқда. Одамларнинг ўз яшаш ҳудудларини фаровон манзилга айлантириш истагида бирлашгангани уларда ўзгариш ва янгиланишларга дахлдорлик ҳиссини йўғотмоқда.

**Акбар РАҲМОНОВ,**  
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Қонун билан “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунга бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, қонуннинг 12-моддасига киритилаётган ўзгаришга асосан, ҳозир фақат қишлоқлардаги ихтисослашган тиббий муассасаларда ишловчи шифокорлар ва ўрта тиббий ҳодимлар махсус иш стажини камида 25 йил бўлган тақдирда ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган бўлса, энди шахарча ва овулларда жойлашган ихтисослашган тиббий муассасалар ҳодимлари ҳам бундай имтиёздан фойдалана олади.

Қонуннинг 19-моддасидаги ўзгаришга асосан, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомида ўғай ота ва ўғай онага агар вафот этган ўғай фарзандни 18 ёшга тўлгунга қадар камида 5 йил тарбиялаган ёки боққан бўлса, боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқи берилиши, маълумотларни тақдим этувчи орган, маълумотларни тақдим этиш шакли ва муддатлари бўйича норма киритилди.

Амалиётда тўғри талқин қилиш, турли қарашларнинг олдини олиш мақсадида қонуннинг 27-моддасида ёшга доир ва ногиронлик пенсияларининг ортиқча иш стажини учун оширилиши пенсияни ҳисоблаш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақидан келиб чиқиши кўзда тутилган ўзгариш киритилди.

Қонуннинг 28-моддасидаги ўзгаришга кўра, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомида устамалар бериладиган алоҳида хизматлари бўлган шахслар тоифаси рўйхати ва аниқ миқдорини белгиловчи норма киритилмоқда.

Қонуннинг 37- ва 49-моддаларига киритилаётган қўшимчаларга биноан, 2023 йил 1 январдан бошлаб I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга пенсия тайинлангандан кейин камида 1 йил иш стажига эга бўлса, иш стажини ва иш ҳақини ҳисобга олган ҳолда ҳамда келгусида ҳар 2 йилда ногиронлик пенсияси миқдорини қайта ҳисоблаш амалиёти жорий этилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мазкур йўналишдаги ислохотлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламни ижтимоий адолат тамойилидан келиб чиқиб қўллаб-қувватлашга мустаҳкам замин яратди. Бу эса юртдошларимизнинг ҳаёт даражасини яхшилаш, ҳалқимизнинг розилигига эришиш, юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий салохиятини юксалтиришда муҳим омил бўлади.



БУГУННИНГ ГАПИ

# САМАРҚАНД ЯНА ДУНЁ НИГОҲИДА

## ёхуд Ўзбекистон иқтисодий форуми аҳамияти ҳусусида айрим мулоҳазалар

**Қаландар АБДУРАҲМОНОВ, академик**

Бошланиши 1-бетда

Анъанавий тус олиб, халқаро доирада тобора аҳамият касб этиб бораётган форумда кўтарилаётган масалалар ҳам ўта долзарб ва ҳаётлиги билан алоҳида ажралиб туради. Хусусан, ўтган йилги анжуман анчагина самарали кечганини айтиш жоиз. Яъни биринчи форум аввалги беш йил давомида амалга оширилган ислохотлар сарҳисоби ва истиқболдаги режаларга бағишланган ва унда табдиркорлиқни ривожлантириш, давлат-хусусий шериклик, кредит ва бошқа йўналишлар бўйича 50 дан зиёд шартномалар имзоланган эди.

Илк форумда, шунингдек, музокаралар ва учрашувлар Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган ислохотларни реал ҳаётда қўллаш ҳамда белгиланган мақсадларга эришиш бўйича фикр алмашиш баробарида, амалий натижадорликка катта эътибор қаратилганди.

Навбатдаги форумга қарийб минг нафар иштирокчи ташриф буюрган. Улар Янги Ўзбекистоннинг келгуси беш йиллик тараққиёт стратегияси мақсадлари, истиқболлари ҳамда имкониятларини чуқур таҳлил қилмоқда. Иқтисодий ўсишни таъминлашда хусусий секторнинг роли, ўзгарувчан муҳитда пул-кредит ва макропроденциал сиёсат ҳамда "яшил" иқтисодиётга ўтиш зарурати каби мавзуларда фикр алмашаяпти.

Ўзбекистоннинг эртанги кун иқтисодиётини барпо этиш йўлида олиб бораётган амалий қадамлари, шу жумладан, молия бозорини ривожлантириш воситалари ва мақсадлари, савдо, алоқа, sanoat сиёсати, ишбилармонлик муҳитини яратиш ҳамда инфратузилмани ривожлантириш салоҳиятини ишга солиш масалалари қўриб чиқилмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида беш йил ичида мамлакатимизда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот миқдорини амалдаги 2 минг АҚШ долларидан 2 минг 800 долларга олиб чиқиш ҳамда иқтисодий ўсишнинг инклюзивлигини таъминлаш орқали камбағаллик даражасини 2 баробарга қисқартириш асосий вазифалардан бири сифатида акс эттирилган. Мазкур мақсадлар амалга оширилган, Ўзбекистон 2030 йилга бориб, жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот миқдорини 4 минг доллардан ошириш ва ўрта даромадли мамлакатларнинг юқори гуруҳига кириш учун қатъий мақсадга эришиш йўлида навбатдаги босқични муваффақиятли босиб ўтган бўлади.

Иқтисодиётнинг юқори суръатларда ўсишини таъминлаш эса уни янада эркинлаштириш ва хусусий сектор улушини оширишни тақозо этади. Шунинг учун форумга 300 нафарга яқин маҳаллий ишбилармонлар таклиф этилди.

Бундан ташқари, бугунги кунда Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири, шубҳасиз, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатлами вақилларга бозор ислохотларининг салбий таъсирини камайтириш ва уларни қўллаб-қувватлашда манзилли ижтимоий ҳимояни қўлайтириш ҳисобланади. Шу боис, ушбу форумда ижтимоий ҳаётда энг фаол бўлган нодавлат нотижатда ташкилотлари иштирокига ҳам кенг ўрин берилди. Нимага? Чунки улар, аввало, муҳтож инсонларга тўғридан-тўғри ёрдам бериш билан бирга, ҳукуматга ижтимоий ҳимоя чораларини тўғри белгилашда кўмакчи ҳам бўлади.

Форум 11 та сессияни ўз ичига олган ва унда ҳамкорларга ўз табдирларини ташкил этишлари учун зарур шарт-шароит ва платформа яратиб берилди. Шу асосда уларнинг 17 та табдири ташкил этилади.

### Президентнинг бош ғояси

Форум аллақачон фикр алмашиш учун муҳим майдон бўлиб хизмат қилмоқда. Инсон манфаатини иқтисодий ислохотларнинг марказига қўйиш ўтган олти йил ичида Ўзбекистон иқтисодиётини ислох қилиш ва жамиятнинг ривожлантиришининг устувор йўналишига айланди. Таъбир жоиз бўлса, "Инсон манфаати учун" ғояси — Президентнинг



бош ғоясидир. Қувонарлиси, ўтган вақт ичида ушбу тамойил асосида жуда катта қўламли ишлар амалга оширилди, лойиҳалар рўёбга чиқарилди. Бунинг самарасини бугун халқимиз ўз ҳаётида, кундалик талаб ва эҳтиёжларида кўриб, ҳис этиб турибди. Энг асосийси, мазкур йўналишдаги ислохотлар изчил давом эттирилмоқда, янги куч, ташаббус ва тақлифлар билан янада фаол тус олмақда.

Самарқанд мезонлиқ қилаётган II Ўзбекистон иқтисодий форумида асосий эътибор инсон манфаатида қаратилаётгани ва ислохотларнинг марказига олиб чиқиладигани бугун юртимизда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатда бу борадаги ишлар дастлабки, муҳим ҳамда ҳаммасидан зарур масала эканлигини англатади. Ва бу тўғри йўл. Бинобарин, халқ манфаати устун қўйилган юрт ривожланишга жадал юз тутаяди. Одамларини ўйлаган раҳбар кам бўлмайди.

Ҳозирги мураккаб шароитда, айниқса, коронавирус пандемияси вақтида Ўзбекистоннинг ҳақли равишда қийинчиликларни енгиб чиқишида, иқтисодий ўсишга эришишида айтиш мумкин, муҳим аҳамият касб этди, десак муболаға эмас.

Чиндан ҳам, "Инсон қадрини учун" тамойили асосидаги 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси дастури бўйича қўрилаётган чоралар халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончининг янада мустаҳкамламоқда. Чунки мазкур стратегияда 7 устувор йўналиш бўйича "Инсон қадрини учун — 100 та мақсад" белгиланган. Сунгги беш йиллик ислохотлари натижасида Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур



сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди.

Жаҳон кўкёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда "Инсон қадрини учун" тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш, табдиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда

фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди. Уларнинг айримларига тўхталамиз. Хусусан, Тараққиёт стратегиясида инсон кадрини улуғлашга йўналтирилган ижтимоий ҳимоя сиёсати бўйича белгиланган вазифалар доирасида 2026 йилга қадар эҳтиёжманд аҳоли ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам билан тўлиқ қамраб олинади. Ижтимоий ҳимоя соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилади. Ижтимоий сўғурта тизими яратилади, кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам ва хизматлар ижтимоий шартнома асосида тақдим этилади.

Ёрдамга муҳтож аёллар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар бўйича алоҳида маълумотлар базаси яратилиб, "Темир дафтар", "Ёшлар дафтари" ва "Аёллар дафтари" "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" билан интеграция қилинади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида биринчи — тўртинчи синф ўқувчиларини Давлат бюджетли мабоғларни ҳисобидан бепул овқат (нон-ушта ёки тушлик) билан таъминлаш йўлга қўйилади.

Аёлларга пенсия ҳисоблашда уларнинг болани парваришлаш таътилида бўлиш вақтининг ҳаммасини жамлаганда иш стажига қўшиб ҳисобланадиган 3 йиллик давр 6 йилга оширилади, болаликдан ногиронлиги бўлган болаларга 18 ёшгача қаралган давр ҳам пенсия тайинлашда иш стажига қўшиб ҳисобланади.



Маҳалланинг "фаол" моделини жорий этиш, уни аҳоли муаммоларини бевосита ҳал қилиш ҳамда ҳудудни ривожлантириш учун зарур ресурс ва имкониятлар билан таъминлаш мақсадида маҳаллаларда янги институт сифатида жорий қилинган табдиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини

### Инсон капитали — тараққиёт асоси

Ҳар қандай ташаббус, ғоя ва таклиф бевосита инсон тафаккури маҳсули ҳисобланади. Инсон тафаккури маҳсули эса янгиликка, яратувчанликка етказилади.

Тараққиёт стратегиясида таълим сифатини ошириш бўйича белгиланган вазифалар доирасида мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларга фарзандларини юбораётган ота-оналарнинг ойига 3 миллион сўмгача бўлган тўловлари даромад солиғидан озод этилиши, ўрта таълим тизимини замон талабларига мослаштириш мақсадида умумий ўрта таълим муассасаларида дарсликларни янгилаш дастурини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан 605 миллиард сўм ажратилиши, 141 мингта янги ўқув ўринлари яратилиши ва уларнинг сони 2026 йил якунига қадар 6.4 миллионгача етказилиши ҳам белгилаб олинган.

Мактабларни ривожлантириш миллий дастурини жорий этиш орқали халқ таълими тизимида қўшимча 1.2 миллион ўқувчи ўрни яратиш, янги мактаблар қуриш, хусусийларни қўлайтириш, таълим сифатини оширишни назарда тутувчи миллий дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, нодавлат таълим хизматлари қўрсатувчи ташкилотларга шариоит ва имкониятларни кенгайтириш орқали уларнинг улушини 2026 йилда 8 фоизга ошириш, ёшларнинг компьютер ва IT технологиялари соҳасида билим ва кўникмага эга бўлишлари учун зарур

жизозлар билан таъминланган 100 мингдан ортиқ бепул тўғараклар фаолиятини йўлга қўйиш каби вазифалар қўйилган.

Шунингдек, 2026 йилга қадар 10 та салоҳиятли олий таълим муассасаси QS ва THE халқаро рейтингларига киришга мақсадли тайёрланади.

Ёшлар — мамлакат келажаги. Шу маънода, улар Янги Ўзбекистоннинг энг катта бойлигидир. Бугун юртимизда уларнинг замонавий илм-фан ва юқори технологияларни мукаммал эгаллаши учун барча шароит етарли. Улар ҳам, ўз навбатида, мамлакат тараққиёти, Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш йўлида астойдил ўқиб, меҳнат қилмоқда.

Дунёда мамлакатларнинг инновацион ривожланиш даражаси Глобал инновация индекси (The Global Innovation Index) орқали баҳоланади. Бу ўзига хос тадқиқот, яъни рейтингли баҳолаш услуби Франциянинг "INSEAD" халқаро бизнес-мактаби, Корнел университети ва Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган. Ҳозирда Глобал инновация индекси 80 та кўрсаткичдан иборат бўлиб, улар сони йилдан-йилга ўзгариб туради.

Мутахассислар дунё умумий бойлигининг 66 фоизини инсон капиталига тўғри келишини таъкидлашади. Шундан ҳам кўринадики, қаерда одама эътибор кучли бўлса, унинг ўқиб-ўрганиши учун қулай шарт-шароит яратилса, ўша ерда ривожланиш бўлади. Оддий айтганда, ақл пулга айланади, катта даромад келтиради. Фарзандларимизга, ёшларга бугун сарфланаётган маблаг, эртага, айтайлик, беш йил, ўн йилдан кейин, албатта, ўз самарасини беради. Шу жиҳатдан, мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбияси учун йўналтирилаётган маблаглар, чора-тадбирлар ушбу мақсадга қаратилаётгани билан таҳсинга лойиқ.

Кейинги беш йилликка мўлжалланган стратегияда Глобал инновация индексида Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш ва 2030 йилга қадар топ-50 мамлакатлар қаторига кириш, кайд

этилган паст индикаторлар бўйича позициямизни яхшилаш мақсад қилинган. Бунинг учун инновацион лойиҳаларни амалга оширишда кенг имконият яратилиб, тадқиқотларни ва инновацион ташаббусларни қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмлари жорий қилинади.

Булар юқорида қайд этганимиздек, кейинги беш йилликда мамлакатимизда одамларга муносиб турмуш шароити яратиш ва камбағалликни қисқартириш, ёшларнинг ўқиб-ўрганишлари учун яратилаётган шарт-шароитлар, яъни келажак капиталини шакллантириш бўйича амалга оширилиши режалаштирилаётган кенг қўламли ишларнинг бир қисми, холос. Зотан, улардан қўзланган мақсад, қўтилаётган натижалар катта. Қувонарлиси, санаб ўтилган айрим ишларга аллақачон жиддий киришилган ва самараси ҳам кўринмоқда.

Умуман олганда, инсон капитали ривожини инсон интеллектини оширишга хизмат қилади. Интеллектнинг ўсиши эса, ўз навбатида, сунъий онг технологияларини ривожлантиради. Қўтилаётган натижа бутунлай ўзгаради, бошқача бўлади. Самарадорлик бир неча баробарга ошади. Демак, фаровонлик ошади, турмуш яхшиланади, мамлакат ривожини жадаллашади. Мана шу тартибда болглик шаклланиб бораверади. Мисол учун, 5G, 6G технологиялари ана шу интеллект меъасидир. Бундай технологияларнинг асосий устунлиги, инсон мияси даражасида фикрловчи сунъий интеллектуал билан контактсиз алоқага киришиш ва бошқа ақл бовар қилмас функцияларни ишлатиш имконини яратишидир.

Президент Шавкат Мирзиёев II Ўзбекистон халқаро иқтисодий форуми иштирокчиларига таъриб йўллади. Бу йилги анжуманнинг асосий мўлоқот мавзуси "Инсон манфаатларини иқтисодий ислохотларнинг бош мазмунига айлантириш" масаласига бағишлангани беҳиз эмаслиги давлатимиз раҳбари табригида ҳам алоҳида таъкидланди.

Халқимиз билан бамаслаҳат ишлаб чиқилган ва ҳозирги вақтда жадал амалга оширилаётган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида "Инсон қадрини учун" деган эзгу ғоя асосида барча соҳаларда ислохотларни фаол амалга ошириш бўйича устувор вазифалар белгилаб олингани қайд этилди. Хусусан, иқтисодиётда хусусий сектор ролини тубдан ошириш, табдиркорликни қўллаб-қувватлаш, инвестиция ва соғлом рақобат муҳитини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада ҳудудларнинг шароити, ўзига хос хусусияти ва имкониятидан келиб чиққан ҳолда, бизнес учун солиқ юкини изчил камайтириб бориш ва молиявий ресурслар билан таъминлаш катта аҳамият касб этмоқда.

Аҳолининг турмуш сифатини ошириш ва яшаш шароитини янада яхшилаш мақсадида "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" ва "Ташаббусли бюджет" дастурлари доирасидаги ишлар одамлар ҳаётига янгича мазмун олиб кирмоқда.

### Мураккаб шароит ва ноаниқ вазият ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни талаб қилади

Бугун дунёда қулайлаётган мураккаб шароит ва ноаниқ вазият ишни пухта ташкил этиш ҳамда юзага чиқаётган масалаларни ҳамкорликда, ҳамфикрликда ҳал этишни тақозо этмоқда. Давлатимиз раҳбари табригида бу жиҳатда алоҳида эътибор қаратилиб, жаҳонда давом этаётган пандемия ва глобал иқтисодий инкирози оқибатлари, турли нотинчликлар ва зиддиятлар, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигини таъминлаш, иқлим ўзгариши муаммолари инсон тақдирини ҳақида жиддий бош қотириш кераклигини кўрсатаётгани қайд

"Биз келгуси фаолиятимизда иқтисодиёт тармоқларини комплекс ва жадал ривожлантириш орқали замонавий иш ўринлари яратиш, камбағалликни қисқартиришга энг асосий эътиборни қаратишимиз шарт", дея таъкидлаганди давлатимиз раҳбари Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ва уни 2022 йил — Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йилида амалга оширишга оид давлат дастури ижросини ташкил этиш масалалари муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида. Бугун қилинаётган ишлар, қўрилаётган чоралар, эришилаётган натижалар ана шу эзгу мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатлар натижасидир. Зеро, самарали иқтисодий ислохотлар орқали мавжуд ижтимоий муаммоларга ечим топиш, аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш мумкин.

этилди. Шу маънода, II Ўзбекистон халқаро иқтисодий форуми ҳамкорликни мустаҳкамлаш, тажрибаларни оммалаштириш учун яхши платформа бўлиб хизмат қилади, албатта.

Форумдан яна шунинг аниқлаш мумкин, Ўзбекистонда 2017 йилдан бундан амалга оширилаётган ислохотлар барча йўналишда жуда самарали бўляпти. Мамлакатимизда ўша йиллардан бошланган трансформация жараёни бугунги кунга келиб, ўз натижасини кўрсатаяпти.

Хусусан, Марказий банк Пул-кредит сиёсатининг 2023 йил ва 2024-2025 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишларининг дастлабки концептуал лойиҳасига кўра, жорий йилда мамлакатимизда иқтисодий фаолликнинг юқори суръатлари, инвестиция ва истеъмол талабининг ўсуви динамикаси сақланиб қолади. Иқтисодиётда давлат рақобатининг қайташи ва белгиланган таркибий ислохотлар давом эттирилиши ҳисобига рақобат муҳити яхшиланиб, хусусий ва хорижий тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми юқори суръатларда ўсиб боради.

2023 йилда ҳам иқтисодий фаолликнинг ижобий динамикаси сақланиб қолса-да, юзага келаётган ташқи таъсирлар, молиялаштириш имкониятларининг чекланганлиги шароитида реал иқтисодий ўсиш суръатлари иқтисодиётнинг потенциалига яқин даражада шаклланиши кутилмоқда. Бу таркибий ислохотларнинг мантқий якунига етказилиши, инвестиция ҳамда рақобат муҳитининг яхшилланиши, давлатнинг иқтисодиётдаги роли қисқариши, хусусий ва хорижий инвестициялар орқали молиялаштириш улушининг ошиши билан болглиқ бўлади.

Юқорида қайд этилган ташқи ва ички иқтисодий шароитлардаги ўзгаришлар, ялпи талаб ва таклиф ҳажми динамикасини белгилаб берувчи омиллар ва инфляцияни кутилмаларни инобатга олиб, инфляциянинг 2023 йил сўнгида 8,5-9,5 фоизгача пасайиши прогноз қилинмоқда ҳамда инфляциянинг мақсади кўрсаткичи — 5 фоизлик таргетга 2024 йилнинг иккинчи ярмида эришиш бўйича асослар юзага келмоқда.

Ушбу сценарий доирасида Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсатини юритишда асосий эътибор, иқтисодиётда нархлар ва молиявий барқарорликни таъминлашга қаратилади. Пул-кредит шароитларини белгилашда, биринчи навбатда, инфляция прогнози ва инфляцияни кутилмалардан келиб чиқилади.

Макроиктисодий ривожланишнинг муқобил (хатарли) сценарийси ташқи хатарлар ва глобал рецессиянинг кучайиши фонида мамлакатимизда ташқи талаб даражасининг пасайиши, турли хил каналлар орқали қириб келадиган валюта оқимларининг камайиши эҳтимоллари асосида тайёрланган.

Молиявий барқарорлик шарҳида келтирилишича, Ўзбекистон иқтисодиёти 2020 йилда пандемия даврида пул-кредит сиёсатининг юмшатилиши ҳамда ҳукумат томонидан қўллаб-қувватловчи сиёсат юритилиши натижасида 1,9 фоизга, 2021 йилда 7,4 фоизга ўсган.

Дунёдаги геосийсий вазият ва глобал инфляция тўғрисида вужудга келган ноаниқликларга қарамай, мамлакатимизда макроиктисодий барқарорликни таъминлаш ҳамда инфляция суръатларини жиловлаш чоралари қўрилмоқда. Натижада жорий йилда мамлакатимизда 5 фоиздан юқори иқтисодий ўсиш кутилмаяпти.

Самарқанддаги йирик иқтисодий анжуманда Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки сингари нуфузли ташкилотлар қатнашаётгани унинг янада самарали ўтишини таъминлайди. Мамлакатимиз иқтисодиёти раванга йўлида аниқ мақсадли лойиҳаларини ишга тушириш учун муҳим платформа вазифасини ўтайди.





**Хусниддин КАРИМОВ,**  
**Боғдорчилик ва иссиқхона**  
**хўжалигини**  
**ривожлантириш агентлиги**  
**бош директори**

Бошланиши 1-бетда

Тахлилларга кўра, ички бозорда 25 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти импортга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Масалан, картошкага бўлган йиллик эҳтиёж 3 миллион 400 минг тоннани ташкил қилган ҳолда, унинг 20-25 фоизи импорт ҳисобидан қопланмоқда. Ўсимлик ёғига йиллик эҳтиёжимиз 515 минг тонна бўлиб, унинг 46 фоизи хориждан олиб келинади.

Давлатимиз раҳбари раислигида шу йил 5 сентябрь куни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг барқарорлигини таъминлаш ва захирасини яратиш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилган эди. Унда дунёда иқлим ўзгараётгани, кўп жойларда қурқоқчилик оқибатида озиқ-овқат етишмовчилиги кузатилаётгани таъкидланиб, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги озиқ-овқат маҳсулотлари майдонини 300 минг гектарга етказиш, экинлари аҳоли талаби ва импорт таҳлилидан келиб чиқиб, оқилона жойлаштириш вазифаси қўйилганди.



**ТАХЛИЛЛАРГА КўРА, ИЧКИ БОЗОРДА 25 ТУРДАГИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЪМИНОТИ ИМПОРТГА БОҒЛИҚ БўЛИБ ҚОЛМОҚДА. МАСАЛАН, КАРТОШКАГА БўЛГАН ЙИЛЛИК ЭҲТИЁЖ 3 МИЛЛИОН 400 МИНГ ТОННАНИ ТАШКИЛ ҚИЛГАН ҲОЛДА, УНИНГ 20-25 ФОИЗИ ИМПОРТ ҲИСОБИДАН ҚОПЛАНМОҚДА. ЎСИМЛИК ЁҒИГА ЙИЛЛИК ЭҲТИЁЖИМИЗ 515 МИНГ ТОННА БўЛИБ, УНИНГ 46 ФОИЗИ ХОРИЖДАН ОЛИБ КЕЛИНАДИ.**



масалаларга ўз вақтида ва тўғри ечим топиш мақсадида давлатимиз раҳбари тошпириги билан соҳадаги муаммолар ўрганилди ва тадбиркорларнинг тақлифлари эшитилди.

Деҳқон мева-сабзавотларнинг сара навларини ўз вақтида етиштириши мумкин. Аммо унга бозорга чиқиши учун зарур шароит яратилмаса, меҳнатлари зое кетади. Яна бир томони борки, ўз вақтида сотилмаган маҳсулот вақт ўтиши билан сифатини ҳам йўқотади. Шундай экан, транспорт логистикасида узлишлар бўлмаслигини таъминлашнинг аҳамияти катта.

Давлатимиз раҳбари раислигида бўлиб ўтган йиғилишда иссиқхонада маҳсулот етиштириш ва уни сотишнинг янги механизми ишлаб чиқилди. Эндиликда Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги иссиқхоналарга уруғ, кучат, минерал ўғит ва бошқа моддий ресурсларни етказиб беради, маҳсулотни сотиб олиб, экспорт қилади. Бундай тизим, албатта, деҳқонларимиз учун катта қўлайлик. Қолаверса, ички бозорларни маҳсулот билан барқарор таъминлаб, экспорт ҳажмини оширишга ҳисса қўшади.

Йиғилишда қўриб чиқилган яна бир муҳим масала иссиқхона хўжаликлари ва музлаткичли оғборхоналар учун ажратилган кредитларни қайтариш

муддати 7 йилдан 14 йилга ҳамда имтиёзли даври 3 йилдан 5 йилга узайтирилиши бўлди. Муддатнинг узайтирилиши деҳқонларнинг ҳосилни йиғиб, сотиб, фойда қургандан сунг кредитни қайтариши учун яхши имкониятдир. Муҳим жиҳати, ажратилган кредитларни қайтариш муддатлари иссиқхоналарда ҳосилни йиғиб олиш ва сотиш муддатларига мослаштирилади ҳамда кредитларни қайтариш жадвали шу асосида тасдиқланади.



Юртимиз экспорт салоҳиятини оширишда иссиқхона хўжаликлари ва боғдорчиликнинг аҳамияти катта. Ҳозирда республикада етиштирилаётган 80 турдан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари дунёнинг 66 та мамлакатига экспорт қилиняпти. Мева-сабзавотлар ва дуккакли маҳсулотларнинг экспорт ҳажми 2016 йил билан солиштирганда, қарийб 2 баробарга ошган. Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2022 йилнинг январь-июль ойларида Ўзбекистон 550 миллион долларлик мева ва сабзавотлар экспорт қилган. Рақамлар заҳматкашларнинг ўз меҳнатига яраша даромад қўраётганини ҳамда юртимиз мева-сабзавотлари маҳаллий бозорларни таъминлаш билан бир қаторда, жаҳон бозорларида ҳам муносиб аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Йиғилишда таъкидланганидек, экспортбоп маҳсулот етиштиришни рағбатлантириш мақсадида хорижий валютадаги банк кредитларини йиллик 4 фоиз ставкада ажратиш мўлжалланмоқда. Бу каби имкониятлар экспортда мева-сабзавотларнинг улуши янада ортишига хизмат қилади.

Жорий йилнинг 2 ноябрь куни Президентимизнинг “Иссиқхона хўжаликлари фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эса бу борадаги натижаларни янада юқори поғонага олиб чиқади. Унда белгиланганидек,

эндиликда ўрганишлар натижаси ва тармоқ фаоллари фикрлари, муносабатларига асосланган иссиқхонада маҳсулот етиштириш ва уни сотишнинг янги механизми ишлаб чиқилади.

Қарорга мувофиқ, қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги иссиқхона хўжаликларига моддий ресурсларни етказиб бериш ва етиштирилган маҳсулотни улардан харид қилиш чораларини кўради. Ўз навбатида, сертификатланган уруғ ва кучатларни етиштириш бўйича махсус кўчатхоналарни ташкил этишга қўмаклашади. Жараёнларга малакали агроном, энтомолог, лаборатория мутахассисларини кенг жалб қилиш мақсадида уларни иссиқхона хўжаликларига шартнома асосида тавсия қилади. Бу тизимли ҳаракат тармоқ ривожига гоёта аҳамиятлидир.

Агентлигимиз, шунингдек, иссиқхона хўжаликлари билан ўзаро ҳамкорлик асосида кооперация фаолиятини йўлга қўйиш, етиштирилган маҳсулотни саралаш, қайта ишлаш, сақлаш, қадоқлаш ва экспорт қилишга қўмаклашади.

Президентимиз қароридида келтирилган яна бир эътиборли масала — Боғдорчилик агентлиги Ўсимликлар қарантини ва химияси агентлиги билан биргаликда келишув асосида ҳудудий инспекторларни бириктиради ва ўсимликлар химиясини ташкил этиш бўйича хизматлар қўрсатилишини таъминлайди. Бу механизм ҳам қўтилган самарага эришишда муҳим саналади.

Ўтган йили жаҳон бозоридида мева-сабзавот маҳсулотлари савдоси 205 миллиард долларни ташкил этган эди. Мамлакатимизнинг мазкур бозордаги улушини кенгайтириш мақсадида мева-сабзавот маҳсулотлари савдо-логистика, сотиш ва сақлаш каби жараёнларни мувофиқлаштириш, бизнес юртишда самарали маркетинг стратегияларидан фойдаланиш асосида иқтисодий ўсishга эришишга алоҳида эътибор берилмоқда. Янги тизим билан экспортбоп маҳсулот етиштиришнинг рағбатлантирилаётгани мана шу эътиборнинг бир намунаси. Бир сўз билан айтганда, бу каби янгиллик ва енгилликлар иссиқхона хўжаликлари фаолияти самарадорлиги ошишига, ички ва ташқи бозорни сифатли маҳсулотлар билан барқарор таъминлашга хизмат қилади.



**Мамлакатимиз иқтисодиётини изчил ва барқарор ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини кўпайтириш ва турмуш фаровонлигини оширишда тадбиркорларнинг ўрни бекиёс, албатта.**

Шу боис, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқларини қонун доирасида ҳимоялаш, назорат қилувчи идораларнинг ишбилармонлар фаолиятига аралашувини чеклаш, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, юртимизда инвестициявий муҳитни тубдан яхшилаш масалаларига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг ҳар йили тадбиркорлар билан очик мулоқоти анъанага айланди. Ушбу мулоқотга тадбиркорларга тақлиф ҳамда ташаббусларни бевоcита йўллаш имконияти яратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йилги очик мулоқоти арафасида тадбиркорлардан 12 мингдан зиёд муурожаат келиб тушган. Аҳамиятлиси, уларнинг мазмун-моҳияти билан Президентимиз шахсан танишиб, ечими бўйича жорий йил 30 август куни “Ўзбекистон Респуб-

ликаси Президентининг тадбиркорлар билан 2022 йилдаги “очик мулоқоти”да белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилди. Мазкур қарор асосида очик мулоқотда белгиланган вазифаларни бажариш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Жиззахдаги “Al Abbos silk” МЧЖ раҳбари Холисхон Бобоева ушбу мулоқотда иштирок этиб, давлатимиз раҳбари қўлидан “Дўстлик” ордени олган эди. Холисхон билан учрашиб, бугунги иш фаолияти, ушбу тадбирдан олган таассуротлари ҳақида сўрадик:

— Мен ўзимни энг бахтли аёл, энг омадли тадбиркорлардан бири деб ҳисоблайман. Аввало, Президентимизнинг биз, тадбиркорларга юксак эътиборидан мамнунлигимни билдирмоқчиман. Жорий йилги очик мулоқот ҳаётимда

## ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

# ОЧИҚ МУЛОҚОТЛАР ЮРТ РИВОЖИДА МУҲИМ ОМИЛ

унутилмас воқеа сифатида муҳрланди. Мулоқот мамлакатимизда тадбиркорлик ривожини учун кенг имкониятлар эшигини очди, бизга ғайрат ва шижоат бағишлади, десам муболага бўлмайди.

Янги йилнинг 1 январидан микробизнес учун айланмадан олинадиган солиқнинг амалдаги 4 фоиздан 25 фоизгача бўлган ставкалари урнига ягона 4 фоизли солиқ ставкаси жорий этиляпти. Қўйилган қиймат солиғи ставкаси 12 фоизга тушиши, тадбиркорларнинг оширилган солиқ ставкалари бўйича ҳисобланган 2 триллион сўмлик қарзларидан бутунлай воз кечилиши кўпчилигининг дилидаги гап бўлди. Яна янги лойиҳаларни амалга ошириш учун қўлай молиялаштириш тизими, тадбиркорликни ривожлантириш учун етарли шароит, инфратузилма ва кафолатли бозор яратишга алоҳида эътибор қаратилляпти. Шунингдек, тадбиркорларнинг мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш кучайтирилиши, уларга нисбатан янги жавобгарлик ва жазо чораларини жорий этишга уч йиллик мораторий эълон қилингани, савдо соҳасида фаолият кўрсатадиган тадбиркорларимизга савдо қондаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик тўлиқ бекор қилинишини ҳам кўпчилик қувонч билан қутиб олди. Бундан ташқари, биринчи марта хато қилган кичик бизнес вакилларига жазо чораси қўлланилмаслиги, бунинг ўрнига камчиликларини бартараф этишга солиқ идоралари кўмаки бўладиган тизим жорий этилиши узоқ йиллик муаммоларга ечим бўлди.



Ўзим шуғулланадиган ипакчилик соҳасини оладиган бўлсам, жорий йилдан давлат бюджетидан пилла ҳосилининг ҳар бир килоси учун 5000 сўмдан субсидия берилиши, ҳар бир ипак курти бокучи бир йиллик иш стажига эга бўлиши қишлоқдаги пиллакорларни мамнун этди, соҳанинг ривожланишига катта туртки берди.

Яқингача юртимизда 3-4 нафар тадбиркор пиллани экспорт қилган бўлсак, ҳозир яратиб берилган имкониятлар, пиллачиликка эътибор туфайли ўзбек ипак саноати тизимида менга ўхшаган юзлаб тадбиркорлар миллион-миллион АҚШ долларлик экспортни амалга оширмоқда. Ўзбек атласини,

лаштирилган “Нурафшон обод қурилиш” МЧЖ таъсис этдик. Ҳозирча фақат шифер ишлаб чиқаряпмиз. Корхонамизнинг йиллик қуввати 250 минг дона бўлиб, 30 нафар ёшни доимий иш билан таъминлаганмиз.

2021-2022 йилларда корхонамизда 8 миллиард сўмлик шифер ишлаб чиқарилиб, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё вилоятларидаги қурилиш ташкилотларига етказиб берилди.

Давлатимиз раҳбари қўлидан ордени олганимдан сўнг ўзимга ишончим янада ортди. Президентимизнинг очик мулоқот давомида тадбиркорликни янада ривожлантириш борасида билдирган фикр-мулоҳазалари, тақлифу режалари ва эътибору қўллаб-қувватлашларидан илҳомланиб айтишим мумкинки, энди ҳар қандай тадбиркорлик лойиҳасини ҳеч қандай иккиланиш ва хавотирларсиз амалга ошира оламан.

Тадбиркорларнинг тақлифлари асосида қурилиш саноатида цемент, чарм санатоида бўёқ ва кимёвий моддалар, мебель саноатида МДФ, фурнитур ва аксессуарлар каби жами 82 турдаги хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлар импорт божидан озод қилинган. Ушбу имкониятдан фойдаланиб, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, маҳсулотларимизни экспортга чиқаришни ният қилганман.

Давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан учрашувлари биз, соҳа вакиллари учун ҳам, давлатимиз учун ҳам манфаатли бўлиб, юртимизнинг иқтисодий ривожига, халқимиз турмуш даражасини оширишга хизмат қилади, ислохотлар қўламини янада кенгавереди.

**Фарҳод НЕЪМАТОВ,**  
**“Янги Ўзбекистон” муҳбири**









## МАДАНИЯТ КАРВОНИ



**Зулфия МЎМИНОВА,**  
**Ўзбекистон Республикасида**  
**хизмат кўрсатган маданият**  
**ходими, шоира**

“Маънавият фестивали”, “Маданият карвони”нинг тарғиботчилар катта гуруҳи Наманганнинг Поп темир йўл вокзалида кутиб олинганда кузнинг эрка ёмғирлари шитирлаб ёғаётган файзли оқшом эди. Мезбонлар бизни карнай-сурнай садолари остида нон-туз ва албатта, Наманган олмалари билан қарши олди. Тарғиботчиларни бағрига олган автобуслар кортежи шаҳар сари йўлга тушди. Менинг тилимда эса Наманган ҳақида ёзганларим айланди:

*Наманган деганда, бахт тушунилгай,  
Марблик тушунилгай, аҳд тушунилгай,*

*Машрабу Ибратлар улгайган бешик —  
Муҳташам, муаззам тахт тушунилгай.*

*Наманган деганда, гул тушунилгай,  
Гулларга бурканган йўл тушунилгай,*

*Томир-томирига меҳр ёзилган,  
Юрак тушунилгай, кўнгли тушунилгай.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт масалалари бўйича маслаҳатчиси ўринбосари Нодир Холбўтаев томонидан “Маънавият фестивали”, “Маданият карвони”нинг Наманган вилоятига сафари давомида амалга оширилиши керак бўлган вазифа ва топшириқлар бўйича яна бир бор тушунчалар берилди. Вилоят марказида тарғиботчилар аниқ режа асосида яқин ва олис ҳудудларга тарқалди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо бошчилигидаги гуруҳнинг 30 дан зиёд аъзолари гуллар шаҳри бўйлаб хизмат сафарини бошлади. Дастлаб Республика касабда уюшмалари федерацияси Наманган вилояти бўлимининг анжуманлар залида ўтадиган “Зиёлилар форуми”да қатнашдик. Форум доирасида нафақат Наманган, балки юртимиздаги кўпгина танқили олим ва зиёлилар ўзларининг қизгин фикрлари, мулоҳаза ва тақлифларини билдирди.

Тадбирда вилоятдаги олий таълим тизимида сўнгги йилларда изчил ислохотлар амалга оширилгани қайд этиб ўтилди. Жорий йилнинг ўзида олийгоҳлар сони 3 тага кўпайиб, олтига етган. Жумладан, Наманган давлат университети қoшидаги Педагогика институти ҳамда Жисмоний маданият институти, Наманган муҳандислик-технология институти негизида Наманган тўқимачилик саноати технологияси институти ташкил этилди.

### “Китоб карвони”

“Маънавият фестивали” доирасида Наманган давлат университетининг гуллар ва манзарали дарахтлар билан ўралган кенг айвонида “Китоб карвони” тадбирлари ўтказилди. Университет ховлисида вилоят ўқувчилари ўқувчилари номи ёзилган “Дамас” автомашиналари турнақатор бўлиб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан тақдим этилган 7 000 донга турли жанрдаги китобларни ортиб, вилоятнинг чекка маҳаллаларига йўл олди.

“Китоб карвони” тадбирида сўзга чиққан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиiddин Сайид вилоятда ўтган китоб тарғиботига оид амалий ишлар хусусида илқик фикрлар билдирди.

Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари Мусахон Оппоқов, Ёзувчилар

уюшмасининг вилоят бўлими раҳбари Зиёвуддин Мансур, Наманган шаҳридаги Президент мактабининг 6-синф ўқувчиси Ёркиной Махмадалиева, Зулфия номидagi Давлат мукофоти совриндори Манзура Абдуллаева ҳам сўзга чиқди.

Маънавий-маърифий ва тарғибот тадбирларини ташкил этишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган 5 нафар маънавият тарғиботчиси “Маънавият фидойиси” кўрак нишони билан тақдирланиши барча иштирокчиларда ҳаяжон уйғотди. Таниқли шоирлар Ғайрат Маҳид, Салим Ашур, Азиз Саид, Рустам Мусурмон, Зилола Хўжаниёзованинг дилтортар шеърлари эса барчага бирдай манзур бўлди.

Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиiddин Сайид бир қатор наманганлик ижодкорларга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига аъзолик гувоҳномасини топширди.

### Бошдан оёғинг гул, қoшу қабоғинг гул

Мен эса шеърятнинг мунир лаҳзаларини юракка жо этиб, Наманганнинг ҳар қадамида янгилаиш ҳукми сураётган муҳташам қиёфасига маҳлиё бўлман. Наҳотки, оғзидан оташ сачраган Машраб бир замонларда бу шаҳарни ҳароратга тўлдириб юрган бўлса? Наҳотки, бир жанда қулоқ кийган шоирнинг атрофида ахли Наманган парвона бўлган бўлса? Яратган Ёгам инсонлар қалбига сўзга, шеърга, ғазалга бўлган эҳтиёжни бунча гўзал жойламиш. Асрлар бўруни не-не салтанатларни қўлатди, не-не сийму зар эгалари йиққан бойликларини хазондек супуриб ташлади.

Не қудратки, ўша замонларда девонаи Машраб номини олган ёнар сўз соҳибининг меҳр чашмасига ҳамон эҳтиёж катта. Ҳамон Машрабга борар йўллар ям-яшил. Биз унга интиламиз, у билан бойиймиз, нурланамиз. Машрабни ёд этамиз.



Наманган, сен шу қадар гўзал бўлдингми, эски кўринишингдан асар ҳам қолмабди. Мана, энди сен ҳақиқий гуллар шаҳрига айланибсан. Бошдан оёғинг гул, қoшу қабоғинг гул, чехраю ёноғинг гул.

### Ақл ёнида қаҳр эмас, меҳр турар ҳамиша

Наманган давлат университети деб ёзилган илм кошонасига кириб кетаётган ўқитувчилар, устозлар, фан докторлари, профессорларни кўриб, барча кўлини кўксига қўяди, бошларини эгади. Ҳа-да, улар арзийди бу эҳтиромга. Ахир улар тарбияламоқда юрт эртасини. Уларнинг кўлида Учинчи Ренессанс тақдири.

Пештоқига Наманган давлат муҳандислик институти деб ёзиб қўйилган ёзувдан танидим,



ушбу олий ўқув даргоҳини. Йигирма беш йил олдин бу ерда муҳтарам илм ахли ва илмга ташна талабалар яхши таъмирланмаган, жиддий таъминотга эга бўлмаган, гўё, ўзинг учун ўл етим, деган муносабат кўрган даргоҳга кириб-чиқиб, тинмай меҳнат қилар, яратган ижодий ишлари ўз ижобий баҳосини олмагач, қандайдир руҳан синик яшардилар. Инсон, айниқса, ижодкор руҳи синик бўлса, юраги садпора бўлади. Фикрий шижоати сўнади. Ўзбек олимларининг минглаб вакиллари биринчи ижодий уринишдаёқ Москвадан қаноти қайрилиб қайтарди. Мана шу синиклики Наманган илм аҳлида ҳам кўрган эдим. Руҳи синик, қалбдаги ақл қўшларининг қаноти қайрилган, олимларнинг ички абгорлиги юзларида акс этарди.

Бугун Наманган илм-фан гуллаб-яшнаган бустонга, қадр топган олимлар, эҳтиром кўрган зиёлилар масканига айланди.

Янги Намангани мана шу маърифат юлдузлари шон-шувратга буркамокда. Энг қувончли, ҳар бир ўқувчининг атрофида 100 нафардан ортик шогирд, ҳар бир профессорнинг қанотида эрта илм чўққисини забт этадиган полапонлар вижир-вижирлари. Донишманд одам ҳалим бўлади, дейдилар. Жаҳл билан кўнгилларга кириб бўлмас. Ақл ёнида қаҳр эмас, меҳр турар ҳамиша. Наманган халқининг қонидаги оғир-босиқлик уларнинг донишмандлигидан дарак бериб туради. Вилоятдаги миллий, маданий бойлиқлар, боқий ва қадим меросни дунёга кўз-кўз қилса арзийди.

Давлатимиз раҳбарининг Наманган вилоятига ҳар бир ташрифи бу йўналишда ҳам катта бунёдкорликларга асос бўлмокда. Хусусан, Исҳоқхон Ибрат мажмуаси, Аҳсиқент тарихий ёдгорлиги, Султон Увайс Қараний мажмуаси, Ун бир Аҳмад каби зиёратгоҳларнинг бугунги қиёфаси фикримизга далил бўла олади.

### “Миллатни эзгуликка чорлаб туринг”

Намангандаги Алишер Навоий номли давлат музыкали театрида Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан чоп этилган

“Ўзбекистон Қаҳрамонлари” китобининг тақдими бўлиб ўтди. Китобдан 5 нафар наманганлик шахс ҳаёти ва фаолияти жой олган. Анжуманда ўтганларнинг азиз хотираси ёд этилди.

Ҳозир ҳаёт бўлган Ўзбекистон Қаҳрамонлари саҳна тўрига тақлиф этилиб, қимматбаҳо совғалар топширилди. Анжуманда сўзга чиққан Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, шоир Минҳожиддин Мирзо бу афсонавий инсонлар қаршисида ҳаяжонини яширолмай шундай деди: “Сиз бизнинг олтин заҳираларимизсиз. Кўксингиздаги олтин юлдузлар ёғдуси ҳали не-не ёш авлодлар қалбини Ватанга муҳаббат нури билан озиклантиради. Сиздан



битта илтимос: узоқ умр кўринг, самимиятингиз, фидойилигингиз ва камтарлигингиз билан миллатни эзгуликка чорлаб туринг”.

Маликалардек ардоқланаётган шифокор, акушер-гинеколог, Ўзбекистон Қаҳрамони Ойшахон Қўчқорованинг мулоим кўлларидадан тутиб турар эканман, оланнинг “Мен ҳақимда ёзган шеърингизни ҳозирда набираю чевараларим ҳам ёд айтмокда”, деган сўзларидан беихтиёр ўша сатрлар ёдимга тушади:

*Ярим тун. Жарроҳлик хонасидасиз,  
Нинанинг учуда турар икки жон.  
Сизнинг меҳрингизга уланган улар,  
Сизнинг жонингиздан олаётир жон.*

*Операция тугади. Ўлим чекинди.  
Хонагизга кирдииз ҳоргин, хотиржам,  
Нажот фаршисига каби суюклик.  
Хонагизга кирдииз азиз, муқаррам,  
Ортингиздан кириб келди буюклик.*

Вилоятдаги 46-мактабгача таълим ташкилотига эса “Зўкко болажон” китоб-альбомининг тақдими бўлиб ўтди. Тақдимотда Наманган вилоят мактабгача таълим бошқармасига қарашли давлат мактабгача таълим ташкилотларининг тарбияланувчилари, бўлажак спортчи болажонлар, “Зумрадойлар давраси” тўғарагининг иштирокчилари бўлган қизалоқлар китоб ўқиш, катталарга ҳурмат, уй-жой озодалигида оналарга ёрдам бериш, меҳмон кутиш, оталар ишдан келганида кутиб олиш, исрофгарчиликка йўл қўямаслик каби миллий қадриятларимиз акс этган машғулотларини намойиш этди.

Бошқарма тасарруфидagi мактабгача таълим ташкилотларининг услубчилари, тарбиячилари, спорт мураббийлари, мусика ўқитувчиларининг чиқишлари “Маънавият фестивали” ташкилотчилари томонидан “Ташаккурнома” билан тақдирланган бўлса, зўкко болажонлар китоблар ва юмшоқ уйинчоқлар билан рағбатлантирилди.

### Ёшларимиз кимлар билан фахрланишни билади

“Баркамол авлод” спорт мажмуасида бўлиб ўтган тадбирда сўзга чиққан “Маърифат” тарғиботчилари жамияти раҳбари Бахтиёр Хусанов тўлқинланиб шундай деди:



— Азиз ёшлар, бугун бу спорт мажмуасига шу соҳада машхурларнинг ота-оналарини тақлиф этганмиз. Кўринг, ҳавас қилинг, доимо хурматда бўлинг!

Сўнгра бокс бўйича жаҳон чемпиони Муроджон Аҳмадалиев, “Токио-2020” паралимпия уйинларида қумуш ва бронза медаль соҳиби Нурхон Қурбонованинг ота-оналари бирма-бир катта эҳтиром билан таништирилди.

Оғир атлетика бўйича Ислон бирдамлик уйинлари ва Осиё чемпионлари Адхам Эргашев, Муҳаммадқодир Тоштемиров, ўқ отиш бўйича жаҳон чемпиони Муҳаммад Камоловнинг оналари ҳам эъзозу иззатда бўлди.

Спорт мажмуаси бўйлаб оёққа қалқиган ёшлар давомли қарсақлар билан уларни олқишлади. Қўчоқлари гулларга тўлган бу азиз инсонлар билан суратга тушиш учун навбатда турган ёшларни кўриб, “Шукр, минг шукр, ёшларимиз кимларга ҳавас қилишни, кимлар билан фахрланишни билади”, дедим ўзимга-ўзим.

### Шоирнинг руҳи шод бўлди

Наманган шаҳрининг Жийдакапа кўчасида оташин шоир, таржимон ва драматург Ўсмон Носир тўғилган. Ушбу маҳалла ва шу ерда жойлашган 22-мактаб ҳозир шоир номи билан аталади. Мактабнинг ёнида “Ўсмон Носир музейи ва кутубхонаси” қад ростлаган. Музейига шу ерлик кекса педагог Раҳимжон Ирисов директорлик қиладди.

“Бу ҳудуд Намангандаги энг чекка маҳалла бўлгани учун ҳам авваллари “Чўқуруқча” дейилган, бирор транспорт қатнамас, хатто “Тез ёрдам” машинаси ҳам кироилмас эди. Давлатимиз раҳбарининг чекка маҳаллаларга эътибори туфайли обод ҳаётга қадам қўйдик. Айниқса, Президентимизнинг Ўсмон Носир таваллудига 110 йил тўлиши муносабати билан эълон қилган қарори шоир тўғилган маҳалланинг тақдирида ҳам тарихий аҳамият касб этди. Қисқа вақт ичида қайта қурилиб, таъмирланган 22-мактабга келганлар бугун ҳайрат ва мамнуният билан шоирнинг руҳи шод бўлганини эътироф этмокда”, дейди Раҳимжон ака.

Ҳа, Наманган сафаридан бу гал олам-олам таассуротлар билан қайтдик. Гуллар фестивали”, бир ёнда “Асал фестивали”га бизнинг “Маънавият фестивали” мизу “Маданият карвонимиз” улаиб кетди.

Янги Наманган — бу, Косонсой ва Чортоқда қайнаб чиқаётган булоқлардан шифо топаётганлар айтсин, Наманганнинг томчи сувиди сехрни, Уйчи, Янги Наманган тумани боғларидаги нашватилар таъмидан тотганлар айтсин, Тўрақўрғон, Янгиқўрғон гулзорларидан йиғилган асаллардан бир бор тўйиб, дармонга кирганлар айтсин.

Номингдан айланай, Давлатобод, Мингбулоқ, Норининг қирмиз олмаларини еб, танига қувват инганлар айтсин, Попу Чўстнинг қаймоқ бозорларида сахар чоғлар қаймоқ тотганлар айтсин! Янги Наманган — бу, Жонларга жон — бу, Ватанни имон деб билган мутриблар юрти бу — Янги Наманган!

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета тахририят компьютер марказида сахифаланди.  
Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.  
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1164.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюқ Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова  
Мусахх: Шероз Маҳмудов  
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 21:20 Топширилди — 23:40